Куч — адолатда

2012 йил,
6 октябрь,
шанба
№ 39 (396)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЁШ АВЛОДНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ҳар томонлама етук ёшлар юртимизнинг эртанги куни, тараққиётини белгилайдиган муҳим кучдир. Шу боис ҳам мамлакатимизда ҳар бир фарзанднинг туғилишидан тортиб унинг соғлом бўлиб вояга етиши, тўкис шарт-шароитларда яшаши, замонавий илм даргоҳларида ўқиб таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланиши амалда тўлиқ кафолатланган.

Айтиш жоизки, мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жисмоний ва маънавий етук ёш авлодни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланди. 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги бунинг ёрқин далилидир. Қонунда белгиланганидек, ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидорини рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратишдир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Мустақил Ўзбекистон янги кишисини тарбиялаш — замон талабидир. Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз керак».

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимояси

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

Мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва улар фаолиятини қонуний ҳимоя қилиш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш мақсадида мустаҳкам қонунчилик асослари яратилиб, йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда.

Айтиш керакки, Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида хусусий мулкнинг ҳуқуқий кафолати ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш тўғрисида ҳам батафсил фикр юритилиб, жумладан, шундай қайд этилган: «ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим».

(Давоми учинчи бетда)

Xabar

Маъмурий қонунчилик: миллий ва хорижий тажриба

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини янада тўлароқ ифода этадиган, халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мос янги қонунлар қабул қилинмоқда.

Мазкур концепцияда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарурлиги таъкидланган.

Пойтахтимизда **«Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришда қонунийликни ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш: процессуал механизмларни такомиллаштириш ва демократлаштириш»** мавзуида ўтказилган халқаро илмий-амалий семинар ана шу мақсадда ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Тошкент давлат юридик институти, шунингдек, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) Ўзбекистондаги ваколатхоналари томонидан уюштирилган тадбирда Германия, Япония, Франция каби давлатлардан экспертлар, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари масъул ходимлари, маъмурий ҳуқуқ соҳаси вакиллари иштирок этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Аввало шуни қайд этиш жоизки, фуқаролик процессуал институт сифатида йўқолган суд ишини қайта тиклаш фуқаролик процессида иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим саналган суд иши бўйича йўқолган процессуал ҳужжатларни тиклаш имконини беради.

Huquqiy ma`rifat

Суд ишини қайта тиклаш

унинг тартиби ва хусусиятлари нималардан иборат?

Маълумки, суд иши деганда, фуқаролик иши материалларини ташкил этувчи процессуал ва бошқа ҳужжатларнинг мажмуи тушунилади. Шунингдек, суд ишига доир бошқа бир қатор ҳужжатлар ҳам борки, (масалан, ҳал қилув қарори, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим ва бошқа якуний ҳужжатлар) улар ишда иштирок этувчи шахсларнинг моддий ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига асос бўлиб хизмат қилади. Бошқа ҳужжатлар эса, (масалан, суд мажлиси баённомаси, эксперт хулосалари, далил сифатида тақдим этилган ҳужжатлар) ишда иштирок этувчи шахслар учун муҳим бўлган маълумотларни ўзида акс эттиргани учун улардан нусха олишга зарурат юзага келиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Huquq va burch

Ердан оқилона фойдаланиш

ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир

Мамлакатимизда ердан оқилона фойдаланиш, бу бебаҳо бойликни асраб-авайлашга хизмат қиладиган мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Жумладан, Конституциямизнинг 55-моддасида *«ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат ҳимоясидадир»*, дея қайд этилган.

Ушбу конституциявий тамойил асосида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Олий суд Пленумининг **«Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»**ги қарорининг 6-бандига кўра, судлар зиммасига ерга оид бошқа низолар билан бирга ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш вазифаси ҳам юклатилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи кафолатлари

Инсоннинг барча ҳуқуқлари ҳимояси миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. Жумладан, меҳнат ҳуқуқи ва унинг кафолатлари конституциявий асосда мустаҳкамланган.

Бош қомусимизнинг 37-моддасида эътироф этилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Меҳнат кодексида эса, ишга қабул қилиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар мужассамлаштирилган.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик — тараққиёт гарови

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилгани соҳа ривожига кенг йўл очмоқда.

Мазкур йўналишдаги қонунлар ижросини таъминлашда адлия идоралари ҳам самарали ҳисса қўшиб келмоқда. Тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам бериш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўришда бир қатор ижобий ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Маъмурий қонунчилик: миллий ва хорижий тажриба

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Судлар фуқаролар ҳуқуқларини ишончли муҳофаза этадиган мустақил давлат институти сифатида шаклланди, ихтисослаштирилди, кассация институти ислоҳ этилди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди. Судлов ишларини амалга оширишнинг барча босқичларида томонлар тенглиги таъминланаётир. Қамоқ-ка олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилгани, ўлим жазосининг бекор қилингани халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик мунтазам такомиллаштирилмоқда. Жумладан, маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликда суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши натижасида юз берган ўзгаришларни мужассам этишга эътибор қаратилмоқда. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш чоралари кўрилаётир.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси мамлакатнинг ҳар томонлама ривожланаётганида намоён бўлмоқда, — дейди Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (JICA) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Юкихико Эжири. — Ўн йилдан бери Ўзбекистон мутахассислари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётирмиз. Японияннинг етакчи университетлари профессорларини бугунги тадбирга жалб этганимиз маъмурий қонунчилик бўйича ўзаро тажриба алмашиш борасида ўз самараларини беради.

— Ўзбекистонда қисқа вақтда барча соҳаларда, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам катта муваффақиятларга эришилганига гувоҳ бўлдим, — дейди Франция Республикаси Давлат кенгаши аъзоси Стефани Гаргулло. — Айниқса, қонунчиликни шакллантириш ва такомиллаштириш ишлари халқаро ҳамкорлик асосида олиб борилаётгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистондан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп.

— Маъмурий қонунчиликни ривожлантириш борасидаги бугунги мулоқот менда катта таассурот қолдирди, — дейди Германия халқаро ҳамкорлик жамияти эксперти Отто Маллманн. — Айрим ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Бу жуда асосли бўлиб, зарар кўрган томон манфаатини таъминлашга хизмат қилади. Германия қонунчилигида ҳам бу қоида мустаҳкамланган. Бу каби илғор тенденцияларнинг Ўзбекистон қонунчилигида мавжудлиги ва унинг такомиллаштирилаётгани эътиборга сазовордир.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳририда эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар ҳақида ҳам мулоҳазалар билдирди. Германия, Франция, Япония каби давлатларнинг бу борадаги тажрибаси юзасидан фикр алмашилди. Билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Iftixor

Ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимиз парламенти томонидан 1992 йилнинг 9 декабрида **«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»**ги Конвенцияни ратификация қилинди. Маълумки, мазкур халқаро ҳужжат дунё миқёсида болалар ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йилда қабул қилинган. У 1990 йилда кучга кирган бўлиб, бугунги кунда 193 та мамлакат, жумладан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳам ратификация қилинган. Эътироф этиш жоизки, Конвенцияга аъзо давлатлар унда белгиланган қоидаларни маъмурий, қонунчилик, суд ва бошқа тегишли чоралар ёрдамида ҳаётга татбиқ этиш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

Ушбу Конвенция меъёрлари Конституциямиз, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда бошқа кўплаб қонунларда ўз аксини топди.

Бинобарин, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги ва «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги Конвенцияни (Женева, 1973 йил 26 июнь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонунлар Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида тасдиқлангач, мамлакатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги қонунлар ҳам қабул қилинди.

Айтиш жоизки, юртимизда вояга етмаганлар тарбияси масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш кенг қамровли тушунча бўлиб, у амалга оширилиши керак бўлган муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида **«Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун қабул қилиниши муносабати билан Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда белгиланган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид меъёрлар янада такомиллаштирилди. Ушбу қонун масъул органларнинг, шу жумладан, катта ёшдаги шахсларнинг ҳам ёш авлод тарбиясидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.



Чиндан ҳам, Ўзбекистонда ёш авлоднинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан вояга етиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариши, ўз олдига мақсад қилиб қўйган марраларга дадил кўтарилиши, бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга майдонни кенг очиб бериш мақсадида қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз, режаларимиз ва саъй-ҳаракатларимиз бугунги кунда самарали натижаларни бераётгани қувонарли ҳол, албатта.

Мамлакатимизда барпо этилаётган, ўғил-қизларимиз учун бағрини очаётган минг-минглаб замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, санъат, маданият ва спорт масканлари ана шу эзгу, тарихий ишларимизнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Кейинги йилларда бутунлай янгидан барпо этилган мактаб, лицей ва коллежларни тамомлаб, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, қалби, юраги шижоат ва жўшқинлик билан тўлган миллионлаб ёшларимизнинг ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келаётгани мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати оқилона, узоқни кўзлаб олиб борилаётгани ва бу йўл нақадар тўғри эканининг ёрқин исботидир.

Айниқса, инсоний камолотнинг энг муҳим шарти бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, бу соҳадаги барча ютуқларнинг пойдевори бўлмиш болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, спорт орқали ёш авлод қалбида ирода, мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, ҳаётимизда соғлом муҳитни янада мустаҳкамлаш йўлидаги улкан ишларимиз ҳақида ортиқча тўхталишга зарурат йўқ. Биргина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан кейинги йилларда қарийб 160 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1130 та болалар спорти объекти бунёд этилгани ва жиҳозлангани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Шундай экан, мафкуравий курашлар авж олган ҳозирги даврда келажак авлодни чуқур билимли, яхши билан ёмонни, оқ ва қорани ажрата оладиган, халқ ишига камарбаста қилиб вояга етказиш, уларни ҳар хил ёт ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш, фарзандларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг қонуний механизмларини янада такомиллаштириш бугунги кунинг долзарб вазифаларидан саналади.

Зеро, келажагимиз эгалари бўлган ёшлар тарбиясига барчамиз масъулмиз.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Hiqiq va burch

Ердан оқилона фойдаланиш

ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Биргаликда эгалик қилинадиган ёки фойдаланиладиган ер участкасидан фойдаланиш тартибини белгилаш ва уни бўлиш, ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни тўгатиш каби низолар ҳам суд орқали қонуний ҳал этилади.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, Жиззах шаҳар прокурори фуқаро Б.Мамадалиевнинг манфаатини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Аниқланишича, Б.Мамадалиевга Жиззах шаҳар ҳокимининг қарори билан якка тартибда уй-жой қуриш учун 0,06 га ер майдони ажратилган. Бироқ бу ер майдони Х.Абдуллаев томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олиниб, девор қурилган. Низоли ер майдони Б.Мамадалиевга мутахассислар томонидан далолатнома тузилиб, чегаралари белгиланиб топширилган.

Суд мажлисида Х.Абдуллаев ушбу ер участкасига бир неча йиллардан буён эгалик қилиб келаётганини айтиб, ер участкаси ўзига тегишли эканини тасдиқлайдиган ҳужжатлар борлигини баён қилган бўлса-да, бу ҳақда судга бирорта далил тақдим эта олмади.

Ер кодексининг 91-моддаси 3-қисмида, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкаси мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига асосан амалга оширилади, дея қайд этилган. Шу сабабли суд Х.Абдуллаев томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинган 0,06 га ер майдонини Б.Мамадалиевнинг эгалигига олиб бериш ва Х.Абдуллаев томонидан қурилган ноқонуний қурилиш унинг ўзининг ҳисобидан буздириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса ўрнида айтганда, ер халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Унинг ҳар бир қаричини асраб-авайлаш, бу борадаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга беэътибор бўлмаслик ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

О.НАЗАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раисининг ўринбосари

Qonun ko`magi

Тадбиркорлик — тараққиёт гарови

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жумладан, шу йилнинг дастлабки ярим йили давомида Андижон вилояти адлия бошқармасига тадбиркорлардан юздан зиёд мурожаатлар келиб тушди.

Айтиш керакки, тадбиркорлар фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув ҳамда улар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олишда **«Текширишларни рўйхатга олиш китоби»**нинг жорий қилинганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда вилоятимизда 23 мингдан зиёд тадбиркорлар ушбу китоб билан таъминланди. Мазкур китобнинг юритилиши мониторинг қилиб ҳам борилмоқда. Йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга тақдимномалар ҳам киритиляпти.

Бундан ташқари тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-ҳаражатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш мақсадида бошқарма томонидан вилоятнинг туман ва шаҳарларида ўрганишлар ўтказилди. Бу жараёнда жами 1510 та қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича бошқарма томонидан тегишли идора ва ташкилотларга юздан ортиқ тақдимнома киритилди. Натижада 156 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилди. 18 нафар ходим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, 17 нафар мансабдор шахсга нисбатан суд тартибида маъмурий жарима қўлланилди. Бундан ташқари тақдиномага асосан тадбиркорлик субъектларига 4,3 миллион сўмдан зиёд пул маблағлари ундириб берилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим касб этаётир. Бу эса, иқтисодий ислоҳотлар самарасини белгиловчи мезондир. Дарҳақиқат, тадбиркорликни ривожлантириш жамият равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳамда барқарор иқтисодиётни яратишга хизмат қилади.



Фарҳод АШМАТОВ,
Андижон вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Saboq

Эгри йўлда

Бу ҳаётда инсонни фақат эзгу ва савоб ишлари, юксак фазилатлари ва фидойилиги улуғлайди.

Нафс қутқусига берилиб, қонун доирасидан четга чиқиш, қинғир ишларга қўл уриш эса, нафақат жиноий жавобгарликка сабаб бўлади, балки киши юзини шувут ҳам қилади.

Қуйида баён этиладиган мисол ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан «Граниксгазсервис» масъулияти чекланган жамиятга қарашли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасида назорат-касса машинаси ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя қилиниши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказиш жараёнида 14 минг 430 литр, яъни 20 миллион 707 минг 50 сўмлик кирим ҳужжатлари бўлмаган дизель ёқилғиси сотиш мақсадида сақланаётгани аниқланди. Бундан ташқари ушбу ёқилғи қуйиш шохобчасида 13 миллион 952 минг 505 сўмлик 9 минг 723 литр автобензин накд пулга сотилиб, назорат-касса машинасидан ўтказилмаган.

Натижада масъулияти чекланган жамият бош оператори С.Жўрақулов (исм-фамилиялар шартли) ва бош ҳисобчи Ш.Шерматов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг **«Аҳоли пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»**ги қарори талаблари қасддан бузилган.

Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас.

Маълумки, ҳаётда қонунга таяниб фаолият юритган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Жумладан, нефть маҳсулотларини сотиш ҳам аввало лицензия олиниши шарт бўлган фаолият турларидан бири ҳисобланади. Аниқроқ айтганда, лицензия олмай туриб, бундай фаолият билан шуғулланиш жавобгарликка сабаб бўлади.

Юқорида номи қайд этилган АЁҚШ бош оператори С.Жўрақуловнинг зиммасига масъулияти чекланган жамиятнинг нефть ва газ сотиш фаолияти билан шуғулланиш, жамият номидан шартномалар тузиш, шартномалар бўйича олинадиган товар моддий бойликларини қабул қилиш, ёқилғи қуйиш шохобчасига ўрнатилган назорат-касса машинасини тўғри ишлашини таъминлаш, савдо пулларини кунлик инкасса қилиш вазифалари юклатилган. С.Жўрақулов ўзига берилган ваколатдан фойдаланиб, нефть маҳсулотларини биржа савдоси орқали сотиб олиши керак эди. Лекин у жамият бош ҳисобчиси Ш.Шерматов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Вазирлар Маҳкамасининг **«Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидитли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»**ги қарори талабларини қўпол тарзда бузади. Икки ҳамтовоқ ўйлаган қинғир ишини амалга ошириш ниятида шериклар қидиришади.

Охир-оқибат улар фарғоналик С.Аҳмедов ва М.Мансуров, Самарқанд шаҳрида яшовчи Т.Ҳакимов билан ана шу ғараз ниятда бирлашишади. Ҳамтовоқлар «Нобел гарант сервис» масъулияти чекланган жамият билан «Граниксгазсервис» ўртасида 28-сонли шартнома тузишади.

Yangi qonun mohiyati

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимояси

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш керакки, 2011 йил мамлакатимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилиниши муносабати билан давлатимиз раҳбарининг **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»**ги қарори қабул қилиниб, унда белгиланган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар босқичма-босқич ижро этиб келинмоқда. Хусусан, қарорда белгиланганидек, **«...биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожи учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор».** Айнан шу йўналишда бир неча қонунлар, Президент фармони ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, тегишли вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари қабул қилиниб, изчиллик билан амалда қўлланилмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги **«Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонининг 2-бандида «тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукаммаллаштириш эвазига мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун янада қулайроқ шарт-шароитларни яратиш, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини ошириш» қатъий белгилаб қўйилди.

Жорий йилнинг 30-31 август кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисида маъқулланган **«Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун ҳам айни шу мақсадга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, ушбу янги қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги 241^{2}-модда ва Жиноят кодекси эса, 206^{1}-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатлар берилмаган мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс томонидан ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда:

биринчидан, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш, яъни мазкур меъёрга кўра, қонуний асослар бўлмаган ҳолатларда, шунингдек, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда қасддан текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) текширишлар ўтказиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бунда маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноий ҳаракат содир этилган деб ҳисоблаш учун мансабдор шахс ёки бошқа шахс томонидан **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 39-моддаси (*Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни чеклаш*) талаблари бузилган бўлиши керак;

иккинчидан, ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш, яъни мансабдор шахс ёхуд бошқа шахс ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф равишда тадбиркор фаолиятини ва (ёки) унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриши тушунилади. Бундай ҳаракатларни содир этиш нафақат тадбиркор, балки давлат манфаатларига ҳам зиддир.

Ушбу меъёрнинг қабул қилиниши, аввало, мансабдор ёки бошқа шахсларни ноқонуний равишда тадбиркор фаолиятини ёки унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳолатларини олдини олади, қолаверса, бундай ҳаракатларни содир этганлиги учун жазонинг муқаррарлигини таъминлайди;

учинчидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда бундай шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилиб олиш мансабдор шахс ёхуд бошқа шахсни, улар томонидан тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақларидаги маблағлари ҳақида маълумотларни тақдим этишни ноқонуний равишда талаб қилганлиги учун жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг **«Пул маблағларини тасарруф этиш кафолатлари»** номли 21-моддаси еттинчи қисмида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида маълумот талаб қилиш, шунингдек, бундай маълумотларнинг банклар томонидан қонунга хилоф равишда тақдим этилиши тақиқланиши қатъий белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг янги 206^{1}-моддаси биринчи қисмидаги, яъни юқоридаги ҳаракатларни содир қилган шахслар биринчи марта маъмурий жавобгарликка тортилиши, худди шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари Жиноят кодексига янги киритилган 206^{1}-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам назарда тутилган бўлиб, агарда юқорида қайд этилган қонунга хилоф ҳаракатлар кўп миқдорда ёки жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, айбдор шахсни тўғридан-тўғри жиноий жавбогарликка тортишга сабаб бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ушбу янги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда бу турдаги жиноятларни содир этилишининг олдини олиш, қонун ҳужжатларидаги ўзига хос «бўшлиқни» тўлдиришга ва тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш орқали бундай қилмишларга чек қўйишга хизмат қилади.

Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан бири бу — иқтисодиёт, хусусан, мулк, солиқ, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш каби жиноятлар учун жавобгарликни либераллаштириш, ижтимоий хавфлилигини йўқотаётган жиноятларни декриминализация қилиш, шу билан бир қаторда иқтисодиёт соҳасида янги пайдо бўлаётган айрим ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашишни бартараф этишни янада такомиллаштириш, энг муҳими, бу соҳадаги жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашдан иборат.

Абдунаби ДЖАЙНАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Huquqiy ma`rifat

Суд ишини қайта тиклаш

унинг тартиби ва хусусиятлари нималардан иборат?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хўш, йўқолган суд иши қандай қайта тикланади?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилигида йўқолган суд ишини тиклаш тартиби назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисидаги ишларни судда кўриш ўзига хос процессуал хусусиятлари билан ажралиб туради. Йўқолган суд ишида иштирок этган шахслар таркиби билан йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисидаги ишда иштирок этадиган шахслар таркибида фарқли жиҳатлар кўзга ташланади. Жумладан, йўқолган суд ишини тиклаш фуқаролик ишини қайта кўришни мақсад қилмайди, балки аввал судда мазмунан кўрилган иш бўйича чиқарилган ҳужжатларни тиклашни назарда тутади. Шу сабабли йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисидаги ишни кўришда ҳуқуқ тўғрисида низо мавжуд бўлмайди. Бу эса, ушбу жараёнда манфаатлари бир-бирига зид бўлган қарамақарши тарафнинг бўлмаслигини кўрсатади. Фуқаролик иши бўйича йўқолган суд ишини тиклаш ҳақидаги масала даъвогар, жавобгар ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг (шу жумладан, прокурорнинг) аризасига мувофиқ, шунингдек, суднинг ташаббусига кўра, амалга оширилиши мумкин.

Йўқолган суд иши тўлиқ ёхуд унинг биринчи инстанция ёки юқори инстанция суди фикрига кўра, тикланиши зарур бўлган қисми тикланади. Суднинг ҳал қилув қарори ёки иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими, агар улар иш юзасидан чиқарилган бўлса, албатта, тикланиши шарт.

Йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисидаги аризанинг мазмуни Фуқаролик процессуал кодексининг 149-моддаси талабларига жавоб бериши лозим. Бироқ ушбу тоифадаги ишларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда аризада яна қуйидагилар ҳам кўрсатилиши талаб этилади:

1) аризачи тикланишини талаб қилаётган суд иши;

2) ушбу суд ишларини юритиш суднинг қандай ҳужжати билан тамомланганлиги;

3) тикланиши талаб этилаётган суд ишларини юритишда ариза билан мурожаат қилган шахснинг процессуал ҳолати (даъвогар, жавобгар, учинчи шахс ва бошқалар);

4) ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми), яшаш жойи ёки агар жавобгар ташкилот бўлса, унинг қаерда жойлашганлиги;

5) агар аризачига маълум бўлса, суд ишини йўқолишининг сабабларини тасдиқлайдиган далиллар;

6) йўқолган суд иши бўйича ҳужжатларнинг жойлашган жойи ёки улар ҳақида маълумотлар;

7) аризачи учун йўқолган ҳужжатнинг айнан қайси бири тикланиши лозимлиги;

8) аризачининг йўқолган суд ишини тиклашдан кўзлаган мақсади.

Айтиш керакки, йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисидаги аризани қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг асосий шартларидан бири йўқолган ҳужжат билан аризачининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлишидир. Шунинг учун ҳам тақдим этилаётган аризада албатта, аризачининг йўқолган суд ишини тиклашдан кўзланган мақсади баён этилади. Агар аризада юқорида баён этилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, суд ушбу аризани Фуқаролик процессуал кодексининг 154-моддасига кўра, ҳаракатсиз қолдиради ва аризачига камчиликларни тузатиш учун муҳлат беради. Ушбу муддат аризадаги камчиликлар хусусияти ва уларни бартараф этишнинг аниқ имкониятлари инобатга олинган ҳолда белгиланади. Агар белгиланган муддатда аризадаги камчиликлар бартараф этилмаса, судга ариза тақдим этилмаган, деб ҳисобланиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Йўқолган суд ишини қайта тиклаш тўғрисидаги ариза муаллифида аризачида сақланиб қолган ва ишга дахлдор бўлган ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаси, гарчи улар белгиланган тартибда тасдиқланмаган бўлса ҳам, илова қилинади. Шу ўринда ёзма далилларнинг аслини тақдим қилиш талаби қўйилган Фуқаролик процессуал кодексининг 76-моддасидаги қоидадан истисно тариқасида ёзма ҳужжатнинг нусхасини тақдим этишга йўл қўйилади. Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2007 йил 2 октябрдаги **«Фуқаролик ишларини кўришда судлар томонидан далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарорининг 23-банди учинчи хатбошисида тушунтирилишича, **ишга ҳужжатнинг асл нусхасини қўшиш имкони бўлмаганда, судья ҳужжат нусхасининг аслига тўғрилиги текширилганлиги ҳақида белги қўяди. Суд ишни кўриш вақтида ишнинг сақланиб қолган қисмидан, суд иши йўқолгунига қадар ундан фуқаролар ва ташкилотларга олиб берилган ҳужжатлардан, бу ҳужжатларнинг нусхаларидан, ишга дахлдор бўлган бошқа маълумотлар ва қоғозлардан фойдаланади.**

Фуқаролик процессуал кодексининг 24-моддасига мувофиқ, аризачи йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисидаги ишни кўриш вақтида суд томонидан сарф қилинган суд харажатларини тўлашдан озод қилинади. Бироқ ариза муаллифи била туриб, йўқолган суд ишини тиклаш тўғрисида ёлғон ариза берса, суд харажатлари ундан ундириб олинади. Била туриб, ёлғон ариза бериш деганда, ариза муаллифи ўзи томонидан тақдим этилаётган ариза ҳақиқатга тўғри келмаслигини аввалдан билган ёки билиши лозим бўлган ҳолатлар тушунилади. Ўз навбатида, ариза муаллифининг инсофсизлик билан қилган ҳаракатлари бўйича суднинг хулосалари асослантирилган бўлиши керак. Суднинг ариза муаллифидан ишни кўриш вақтида суд томонидан сарф қилинган суд харажатларини ундириб олиш тўғрисидаги ажрими устидан хусусий шикоят қилиниши мумкин.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлар доктори

Fuqarolik qonunchiligi

Меҳнат ҳуқуқи кафолатлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Судлар ушбу қонуний асосларга таянган ҳолда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келмоқда. Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Косон туманидаги 6-ўрта мактаб маъмурияти билан фуқаро муҳофазаси муҳандиси вазифасида фаолият юритиб келаётган Нормурод Қосимов ўртасида негадир ўзаро келишмовчилик юзага келади. Орадан кўп ўтмай мактаб маъмурияти томонидан Н.Қосимов билан тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг сабабсиз ишга келмаганлиги важ қилиниб, бекор қилинади.

Маълум бўлишича, гарчи мактаб маъмурияти Н.Қосимовнинг ишга узрсиз келмаганлиги ҳақида важ келтирса-да, бироқ даъвогарга ишга келмаганлиги юзасидан бирор марта ёзма хабарнома юборилмаган, ундан тушунтириш талаб қилинмаган. Ёхуд меҳнат интизоми масаласи унинг иштирокида мактаб касаба уюшмаси йиғилишида муҳокама этилмаган.

Оқибатда мактаб маъмурияти ноқонуний буйруқ чиқариб, меҳнат қонунчилиги бузилишига сабабчи бўлган. Шундан сўнг Н.Қосимов ҳуқуқларини тиклашни сўраб, судга мурожаат қилди.

Суд тарафлар ҳамда гувоҳларнинг фикрларини атрофлича муҳокама этиб, даъвогарнинг асоссиз ишдан бўшатилганлиги боис, уни ўз лавозимига тиклаш, шунингдек, бекор юрган кунлари учун 1 миллион 929 минг сўм иш ҳақи ҳамда 250 минг сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Косон туманида истиқомат қилувчи Барот Ибрагимов узоқ йиллардан буён тумандаги «Гувалак» сув истеъмолчилари уюшмаси корхонасида хизмат қилиб келган. Кейинчалик у мазкур уюшмага қарашли сув насослари фермер хўжаликлари ҳисобига ўтказилади.

Бу ерда сув чиқарувчи бўлиб ишлаб келаётган Б.Ибрагимов раҳбар томонидан ҳеч қандай огоҳлантирилмасдан ишдан озод этилган. У мазкур корхонадан иш ҳақини ҳам ўз вақтида ололмайди. Устига-устак Б.Ибрагимовга тегишли бўлган 875 минг 790 сўм иш ҳақининг 400 минг сўми унинг розилигисиз корхонанинг собиқ бошлиғи С.Каримовнинг пластик карточкасига ўтказиб юборилади.

Меҳнат кодексининг 153-моддаси 1-бандида меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланиши, меҳнат ҳақи қонун-ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги ва унинг энг кўп миқдори биронбир тарзда чекланмаслиги, 154-моддасининг 1-қисмида эса, иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт, деб белгиланган.

Шунга кўра, суд жавобгар Косон тумани «Гувалак» сув истеъмолчилари уюшмаси ҳисобидан даъвогар Б.Ибрагимов фойдасига 875 минг 790 сўм иш ҳақи ҳамда 800 минг сўм товон пулини ундирадиган бўлди.

Мухтасар айтганда, меҳнат қонунчилиги меъёрлари нафақат ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлайди, балки раҳбар ва ходим зиммасига ҳам муайян мажбурият ва масъулият юклайди. Тартиб ва қоидаларга амал қилиш меҳнат самарадорлигини ошириб, жамият равнақига хизмат қилади.

Наврўз РАҲМОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Косон туманлараро судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

бирикканлар

изза тортиб, қилмишларига яраша жазо олишди

2011 йилнинг 7 апрелдаги 38-сонли ҳисобварағига асосан 76 миллион 188 минг сўмлик «АИ-80» маркали 54.420 тонна автобензинни «Граниксгазсервис» МЧЖга кирим қилишади.

Кишини таажжубга соладиган томони шундаки, «Нобел гарант сервис» масъулияти чекланган жамияти нефть маҳсулотлари билан улгуржи савдо қилиш учун махсус лицензияга эга эмаслигига қарамай, ҳамтовоқлар азбаройи нафс қутқусида ана шундай ноқонуний ишга қўл уришган.

Солиқ идораси ва «Ўздавнефтгазинспекцияси»нинг Самарқанд вилоят бўлими ходимлари томонидан «Граниксгазсервис» МЧЖга қарашли ёқилғи қуйиш шохобчасида нефть маҳсулотларининг сифат ва миқдор жиҳатидан сақланиши юзасидан ўтказилган текшириш жараёнида юқорида баён этилган қинғирликлар очилиб қолди.

Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, бу ҳаётда ҳеч қайси жиноий қилмиш жазосиз қолмайди.

Суд судланувчилар С.Жўрақулов ва Ш.Шерматовни Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми, 28, 189-моддаси 3-қисми ва 28, 190-моддаси 2-қисми «б» бандлари, С.Аҳмедов, М.Мансуров ва Т.Ҳакимовни Жиноят кодексининг 28, 189-моддаси 3-қисми ва 28, 190-моддаси 2-қисми «б» бандлари билан айбдор, деб топди. Қонун талабидан келиб чиқиб, суд судланувчиларга Жиноят кодексининг ҳар бир моддаси бўйича алоҳида-алоҳида жарима жазоси тайинлади. Жиноят кодексининг 59-моддаси 1-қисмига асосан тайинланган жарима жазоларини қисман қўшиб судланувчилар С.Жўрақулов ва Ш.Шерматовнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравар, С.Аҳмедов, М.Мансуров ва Т.Ҳакимовларнинг ҳар бирига 120 баравари миқдорида узил-кесил жарима жазоси тайинлаб, давлат фойдасига ундирилди.

Гувоҳи бўлганингиздек, нопок йўлда ўзаро тил бириктириб, жиноий қилмишга қўл уриш қимматга тушади.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳаётда пешона тери тўкиб ҳалол меҳнат қилган, ҳамиша қонун талабига таянган киши ҳеч қачон ютқизмайди.

Қинғир ишга қўл уриш, қонун талабидан четга чиқиш эса, муқаррар жавобгарликка сабаб бўлади.

Одил МАННАТОВ,
жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг раиси

Muloqot

Газетхон савол беради...



— Айтинг-чи, ходимни ишга қабул қилиш қандай тартибда расмийлаштирилади?

О.ТОШЕВ,
Ангрен шаҳри

— Меҳнат кодексининг 82-моддасида ишга қабул қилишни расмийлаштириш тартиби ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага асосан, ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Буйруқ чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Корхона раҳбарини ишга қабул қилиш корхона мулки эгасининг ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқни у бевосита, шунингдек, ўзи вакил қилган органлар орқали ёки корхонани бошқариш ҳуқуқи берилган корхона кенгаши, бошқаруви ёхуд бошқа органлар орқали амалга оширади. Корхона раҳбари корхона мулкдори унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига мувофиқ равишда чиқарилади. Буйруқ ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъий назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган, деб ҳисобланади.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Hikmat

Донолар дейдиларки

Дўстимизни ҳам, ҳақиқатни ҳам севсакда, диёнат бизга ҳақиқатни биринчи ўринга қўйишимиз кераклигини уқтиради.

* * *

Ҳалол йўл билан ютуққа эришиш қийин бўлса-да, унинг завқи тотли, ширин бўлади.

* * *

Илм инсонпарварлик тожидир. Инсон фақат илм ва одоб билан шараф топади. Илм инсонни улуғлаб, ундан яхши ёдгорлик қолдиради.

* * *

Қалбдан чиққан сўз қалбга йўл олади.

* * *

Нафсни енгишдан вужуд жафо тортади, аммо бундан кўнгил сафо топади.

* * *

Ҳамроҳини мушкул дамда ташлаб кетган одам ҳеч ерда ҳаловат тополмайди.

* * *

Бошқалардан ҳеч нарса таъма қилмаган инсон бахтлидир.

* * *

Омаднинг сири касбни иш деб эмас, севимли машғулот деб тушунишдадир.

Mulohaza

Ота-оналик бурчи

ҳар биримизнинг зиммамизга алоҳида масъулият юклайди

Юртимизда баркамол авлодни камолга етказиш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Зеро, ҳар бир фарзанд — миллат келажаги. Уларни жисмонан, ақлан, руҳан тетик ва маънан етук қилиб тарбиялаш нафақат оила, балки жамият олдидаги муҳим вазифалардандир.

Маълумки, Президентимиз раҳбарлигида истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб оилаларни соғломлаштириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, жамиятнинг дастлабки ва асосий бўғини мустаҳкам бўлишига эришиш барча эзгу мақсадларнинг бош омилидир.

Конституциямизда оилавий муносабатларга алоҳида боб бағишланиб, оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилган. Шу асосда Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари қабул қилинган. Уларда оила, оналик ва болалик жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши кафолатлангани, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари белгилангани — юртимизда оила қонунчилиги халқимизнинг тарихий тажрибасига таянган ҳолда яратилганидан далолат.

Дарҳақиқат, оилада соғлом муҳитнинг шаклланиши, фарзандларнинг ҳар томонлама комил инсон бўлиб улғайишида ота-онанинг ўрни катта.

Бугунги кунда ота-она ва уларнинг фарзандлари ўртасидаги муносабатлар, бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар давлатимиз томонидан ўрнатилган меъёрий ҳужжатлар асосида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, амалдаги Оила кодексига асосан ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Эътиборли томони шундаки, ота-оналик ҳуқуқи болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас.

Ота-оналик ҳуқуқини амалга оширишда ота-она болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар етказмаслиги лозим. Ота-оналик ҳуқуқини болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид тарзда амалга оширган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Айтиш керакки, суд болалар билан боғлиқ ишларни кўришда болаларнинг келгусидаги тарбияси учун етарли шароит бўлишига эътибор қаратиши, болани тарбиялаш учун олиб бериш ҳақида талаб қилинган ҳолларда болани олиб бериш мумкин ёки мумкин эмаслиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши шарт.

Шу ўринда фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди томонидан кўриб чиқилган, даъвогар Фотима Қаландарованинг жавобгар Холиқул Қодировга нисбатан болани олиб бериш ва алимент ундириш тўғрисидаги фуқаролик ишини мисол тариқасида баён этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ф.Қаландарова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2001 йил 2 июлда жавобгар билан қонуний никоҳдан ўтганлигини, турмушлари мобайнида қиз фарзанд кўришгани, қизи ҳозирда жавобгарнинг тарбиясида эканлигини, ўзи 2010 йил июль ойида ота-онасиникига кетиб қолганлигини, бунга жавобгарнинг муттасил спиртли ичимликлар истеъмол қилиши сабаб бўлгани, фарзандини жавобгарнинг тарбиясига ишониб топшира олмаслигини баён этиб, фарзандини жавобгарнинг тарбиясидан олиб бериш ҳамда унинг таъминоти учун алимент ундиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти судининг ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилди, яъни Ф.Қаландарованинг қизини тарбиялашга шароити йўқ деб бўлмаслиги, қизи она меҳри ва парваришига муҳтожлиги инобатга олиниб, 2001 йил 12 апрелда туғилган У.Қодирова жавобгар Х.Қодировнинг тарбиясидан даъвогар Ф.Қаландарованинг тарбиясига олиб берилди. Шунингдек, жавобгар Х.Қодировдан 2001 йил 12 апрелда туғилган қизи Умиданинг таъминоти учун вояга етгунига қадар алимент ундириш белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ота-онанинг фарзандлар олдидаги мажбуриятлари ҳамда фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари ҳуқуқий жиҳатдан асосланган бўлиб, ҳар бир ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига оғишмай риоя қилиши оиланинг мустаҳкам бўлишида асосий омил вазифасини ўтайди. Бу, ўз навбатида, келажагимиз соҳиблари бўлган фарзанд тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Лутфулло ТОШМУРОДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг раиси

Табиатда баҳайбатлиги жиҳатидан денгиз китларидан кейинги ўринда турувчи филларнинг ҳаёт тарзи ва яшаши инсоният томонидан атрофлича ўрганилганига қарамай, улар ҳамон сирлигича қолмоқда.

Sirli olam

Меҳри ва садоқати баланд жонзот

Айтиш керакки, табиатда филларнинг фақат Осиё ва Африка турларигина мавжуд.

Афсуски, бугунги кунда Осиё филлари кескин даражада камайиб бормоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Ёввойи ҳолда яшаб юрган филларнинг қирилиб кетишига асосан, уларнинг тишлари туфайли уюштирилаётган браконьерлик ҳаракатлари сабаб бўлмоқда.

Филлар йигирманчи аср бошларидаёқ одамзотнинг энг қудратли кўмакчисига айланиб улгурган эди. Улкан дарахтларни судраш, ташиш, юклаш, умуман, энг оғир ишлар улар ёрдамида бажарилган.

Филлар улкан жуссасига қарамай инсонга энг садоқатли жонзотлардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин.

Биолог олим И.П.Сосновскийнинг ёзишича, бир гал у Ҳиндистонга борганида ғалати манзаранинг гувоҳи бўлади. Ота-она далага отланаётиб, ҳали юришни ҳам билмайдиган болаларини оёғи катта тўнкага занжирлаб қўйилган улкан она фил ихтиёрига ташлаб кетишади.

«Шўрлик фил кун бўйи тик турган ҳолда улкан оёқлари остидан эмаклаб юрган болакайларни хартуми билан секин жойига қайтариб қўяр, қуёш тик келганда эса, уларни баҳайбат танасининг остига оларди. Фил шу қадар эҳтиёткорлик билан ғамхўрлик кўрсатардики, унинг бирорта кичкинтойни туртиб юбормаганининг ўзи ҳайратланарли эди», деб ҳикоя қилади олим.

Аммо бу мисол барча филлар ҳам ана шундай ювош ва беозор деган маънони англатмайди. Бу ювошлик фақат филнинг сабр косаси тўлгунга қадар давом этиши мумкин экан. Шу сабабли цирк томошаларида фақат ўргатилган урғочи филлардан фойдаланилади. Эркак филларни бўйсундириш осон эмас.

Бу жониворнинг яна бир жиҳати шундаки, ер юзидаги барча ҳайвонлар орасида фақатгина фил хартумлилар синфига мансуб ҳисобланади. Уларнинг хартуми нафақат ҳид билиш, балки маълумот етказиш ва қабул қилиш вазифасини ҳам ўтайди. Улар йўлда учраган ҳар бир нарсани хартуми билан сийпалаб текширувдан ўтказади. Қолаверса, она филлар кичкинтойларини хартуми билан силаб-сийпалаб эркалагани каби, эр-хотин филлар ҳам ўз ҳис-туйғу ва меҳрини бир-бирига айнан хартуми орқали билдиришади. Фил хартуми жуда серҳаракат, ҳам чўзилувчан, ҳам қисқарувчи, айланиб, ўралувчи хусусиятга эга. Энг қизиғи, хартум ичида кўрсаткич бармоқдек келадиган яна бир қўшимча хартумча бўлиб, уни шунчалик моҳирона бошқарадиларки, ерда сочилиб ётган ингичка шох-шаббадан тортиб сомонгача, бир чимдим баргу хашаккача бемалол сидириб оладилар. Масалан, Москвадаги ҳайвонот боғларидан бирида Шанго лақабли фил боласи айнан шу хусусияти билан машҳур эди. Унга «Шанго, тангани қидир!» дейишлари билан у ўт-ўланлар орасини хартуми билан пайпаслаб, бир зумда тангани топиб оларди. Деҳлидаги истироҳат боғларидан бирида яшайдиган, эндигина ёшига тўлган митти филча эса, кун бўйи одамлар орасида бемалол ўйнаб юради, чанқаган пайтида эса, водопровод жўмрагини хартуми билан бураб очиб, чанқоғини қондиради.

Шунингдек, хартум фил учун бешафқат қурол вазифасини ҳам ўтаб, душмандан ҳимоя қилади. Хартум ёрдамида филлар емишини оғзига олиб боради, бурун парраклари ичига 10-14 литргача сув йиғиб олиб, кейин бу сувни ўзининг устидан пуркаб, ювиниши ёки ичиши мумкин. Қум ва тупроқларни ҳам шу тариқа хартумида йиғиб, устига пуркайди ва танасини ҳашаротлардан сақлайди. Мазкур аъзоси орқали бир-бирига турли хил овоз беради.

Филлар турли хил ўсимликлар билан озиқланса-да, уларни тўйдириш осон эмас. Битта катта филнинг бир кеча-кундузлик овқати — 100-120 килограмни ташкил этади.

Ҳайбатли гавдага эга бўлишига қарамай филлар ниҳоятда енгил ва юмшоқ ҳаракатланадилар. Ухлашга ётаётганларида ҳам бирор-бир сас чиқармай, олдинги оёқларини секингина йиғиб олиб, орқа оёқларини эса, ёнбошига букканча пинакка кетадилар. Аммо бирор-бир хавфни сезса, товуш чиқармай чаққонлик билан жойидан ирғиб туради.

Одатда, ёввойи филлар 10-12 та бўлиб яшайди. Кейин бу гуруҳлар йиғилиб, катта тўдаларни ташкил этади. Оилавий гуруҳлар ҳар икки жинсдаги катта филлар, ўсмир ва кичик филчалардан иборат бўлади. Умуман олганда, оилавий тарзда филлар ҳавас қилса арзигулик даражада жуда аҳил яшайдилар.

Филларнинг кўпайиш ёши 10-12 ёшга тўғри келиб, ўртача умри 60-70 йилгача етиши мумкин. Она филларнинг ҳомиладорлик вақти 20-22 ойгача давом этади. Жуда кам ҳолларда эгизаклар дунёга келади.

Эндигина дунёга келган фил боласи жигарранг тусда бўлиб, бутун танаси майин тук билан қопланган, бошидаги соч шокилалари эса, бежирим ва чиройли бўлади. Аммо вақт ўтиши билан катта филлар каби кулранг тусга киради.

Туғилганининг илк кунларидан бошлаб то 1,5-2 ёшга қадар филчалар жуда шўх, одамлар билан ҳам тез мулоқотга киришувчан бўлади. Улар таниш одамни кўриб қолса, қувониб, бўкириб қўйишади ёки қийқириб ўша танишини хартуми билан қучоқлаши мумкин. Она филлар болаларининг ҳар бир қадамини кузатиб ўзидан сира узоқлаштирмайди. Кичкинтой ҳам нимадандир чўчиб кетса, дарҳол онасининг пинжига тиқилади.

Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.

Maslahat

Ҳимоячи

унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Жиноят процессуал кодексининг 53-моддасида ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, ҳимоячи манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш, ишда, гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек, уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш, гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш, бошқа тергов ҳаракатлари юргизилаётганда суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан иштирок этиш, далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса, жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш каби ҳуқуқларга эга.

Шунингдек, қонунда ҳимоячи бажариши, риоя этиши лозим бўлган мажбуриятлар доираси ҳам белгиланган. Чунончи, ҳимоячи ўз вазифасини амалга ошириши муносабати билан билган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Шу билан бирга ҳимоячи гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаши ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги, ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Равшанбек ҚУТИБЕКОВ,
жиноят ишлари бўйича Пайариқ тумани судининг судьяси

Ehtiyot bo'ling, firibgar!

Бировнинг ҳақи

бошқага буюрмайди

Аввало шуни таъкидлаш керакки, иқтисодий соҳада содир этиладиган жиноятлар кўп қирралилиги, мураккаблиги ва ижтимоий хавфлилиги билан ажралиб туради. Қонунчиликда бундай тоифадаги жиноятларнинг ўғирлик, талончилик, босқинчилик, фирибгарлик, товламачилик, растарата, талон-тарож қилиш каби шакллари учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини талон-торож қилиш тарзида амалга ошириладиган фирибгарлик жиноятида жиноятчи била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, ёлғон маълумотларни хабар қилиш ёки мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахсни янглиштириш орқали нопок мақсадига эришишни кўзлайди.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Аббос Шамшиев (исм-фамилиялар шартли) Олтинкўл туманидаги «Олим саховати» фермер хўжалигини ташкил этади. 2006 йил тумандаги «Ф.Қўчқоров» номидаги ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган йиғилишда хўжалик ҳисобидаги икки дона «Т-28» трактор тиркамаси билан тумандаги «Сувдан фойдаланиш уюшмаси» корхонаси балансига ўтказиб берилади. Аммо корхонада техникаларни сақлаш учун жой бўлмаганлиги сабабли тракторлар вақтинча А.Шамшиевнинг фермер хўжалигига қарашли бинога жойлаштирилади. Буни қарангки, А.Шамшиев омонатни эҳтиёт қилиш, асраб-авайлаш ўрнига тракторларнинг эҳтиёт қисмларини арзон-гаровга сотиб юборади.

Ҳалол ишлаш ўрнига ноқонуний бўлса-да, мўмай пул топишнинг ҳадисини олган А.Шамшиев бундан бошқа қинғирликларга ҳам қўл уради. Аниқроқ айтганда, у 2007 йилда Ўзбекистон Банклар ассоциациясининг Универсал биржаси Андижон филиали орқали савдога қўйилган автогаражни сотиб олади. Сўнг бу ерда қурилиш қилиш мақсадида автогараждаги иншоотларни бузиб, баъзи мулкларни сотишга тушади. Худди шу ерда унинг нопок муддаоси намоён бўлади. Гап шундаки, автогаражда «Ф.Қўчқоров» номидаги агромашсервис ММТПга қарашли уч дона ўн тонналик идиш, турли ҳажмдаги қувурлар, 2 та ёнилғи қуйиш мосламаси ва бошқа ашёлар сақланаётган эди. А.Шамшиев «уддабуронлик» билан бу ашёларни ҳам киши билмас пуллаб юборади.

Энг ачинарлиси, А.Шамшиевнинг нафси яна ҳакалак отади. У автогараж мулкларини сотиб бўлгач, ерга кўз тикади. Ҳолбуки, ерни сотишга унинг асло ҳақи йўқлиги, бундай хатти-ҳаракат қонунга зид ҳисобланишига қарамай А.Шамсиев автогараж ер майдонидан ажратиб беришни ваъда қилиб, Т.Маъруповдан 3.000.000 сўм олади.

А.Шамсиевнинг қинғирликлари шу билан ҳам якун топмайди. Бу кимсанинг солиқ идорасига тўланиши лозим бўлган 29 миллион сўмни тўлашдан бўйин товлаганини эшитган киши афсус билан «эсиз ишонч, эсиз имкониятлар!» — дейиши турган гап.

Бу ҳаётда ҳеч бир жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. А.Шамшиев ҳам Жиноят кодексининг 167–168-, 184-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганликда айбли, деб топилиб жиноий жавобгарликка тортилди. Жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон тумани суди унга қонун доирасида адолатли жазо тайинлади.

Бу ҳаётда умрини ҳалоллик, эзгуликка бағишлаган инсонларгина обрў-эътибор қозониши, ҳурматга сазовор бўлиши ҳамиша ўз исботини топган. Аксинча, бировнинг ҳақига чанг солишдан ор қилмайдиган, ҳалол меҳнатга бўйни ёр бермайдиган кимсалар охир-оқибат юзи шувут бўлиб қолиши шубҳасиз. Ана шундай кимсаларнинг қилмишларини баён этишдан кўзлаган мақсадимиз ҳам ҳалолликни улуғлаш, эгриликнинг оқибати хайрли бўлмаслигини яна бир карра таъкидлашдир.

Нозимжон ПАРПИЕВ,
жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон тумани судининг раиси

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ, Шерали РАҲМОНОВ, Боқижон ЯҲЁЕВ, Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1016. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6293.
1 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰